



1867 йил 30-март Вашингтонда тарихий олди-берди шартномаси имзоланди. Россияга тегишли 1 миллион 519 минг кв. км. ер савдога кўйилди. Шартномага кўра, бу ер учун 7 200 000 доллар (11 миллион Чор Россия рубли) ҳақ тўланиши лозим эди. Бирок бу пуллар Чор Россияси ҳукуматига етиб келмаган. Энг аввал ўша давр АКШдаги русларнинг элчиси Эдуард Стекл 7,2 миллион долларнинг 21 минггини ўзига олиб қолган ва 144 миллионини эса шартномани ратификация қилиш учун сентарларга пора сифатида сарф қилган (ёки шу бахонада бу пулларни ҳам ўзлаштириб олган).

Қолган 7 миллионни уддабурон мансабдор Лондонга банк орқали ўтказган. Пулни аввал фунтга, сўнг тиллога конвертация қилиш жараёнида яна 1,5 миллион доллар йўқолган. Бу пуллар ўша давр судхўрларининг чўнтақларида қолиб қетган. Сотиб олинган тилло ёмбилари Лондондан Петербургга денгиз орқали юборилган. Қимматбаҳо юқлар ортилган «Оркни» (Orkney) денгиз кемаси 16-июл 1868 йили манзилга етмай денгизга гарк бўлган. Ўша вақт кема ичида тилло бўлганми ёки бўлмаганми аниқ маълум эмас. Баъзилар уни Туманли Албион киргоқларини тарқ қилмаганини ҳам айтишади. Денгиз кемаси ва унинг ичидаги юкка қафолат берган компания ўзини банкрот деб эълон қилган ва зарарни қисман коплангандек бўлган. Бирок Россия лондонлик судхўр Ротшилдга барча рибо фоизларини тўлиқ тўлаб берган. Чор ҳукуматини бу шарномани тузишга нима мажбур қилган? 1861 йили Россияда крепостной ҳуқуқ бекор қилинди. Норози бўлган помещикларга товон пулини тўлаш учун Александр II яхудийларнинг Ротшилдлар банк уйидан 15 миллион фунт стерлингни 5 фоиз рибо билан олишга мажбур бўлган. Энди судхўрларга у бу нарса қайтариш керак бўлганида буюқ княз Константин Николаевич – ҳукмдорнинг кичик укаси – “бирон бир кераксиз нарсани” сотиб юбориш ҳақида маслаҳат беради. Евроосиёдан ташқаридан жойлашган Россиянинг энг катта ҳудудлари “энг кераксиз” нарса бўлиб топилади. Кейин маълум бўлишича, Аляска туганмас табиий бойликларнинг хазинаси экан.

Абу Муслим

